



Савол:

Мен намоз ўқишни бошламоқчиман, сизлардан илтимос менга ғусл,
тахорат ва намоз ҳақида маълумот берсангизлар.

Жавоб:

Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ

Алҳамду лиллаҳ вассолату вассаламу ала расулиллаҳ.

G'usl va tahratni quyidagicha kilinadi: G'usl: g'uslda odam tanasini hamma joyiga suv etkazishi kerak. G'usl sunnatga mos keladigan bulishi uchun avvalo tahorat kilinadi. Taxoratni quyidagicha kilinadi:

1. Бисмиллаҳ деб бошлаб, икки қўлни кафт қисмини ювади.
2. Ўнг қўлига сув олиб оғзига олади ва оғзини чайқайди, кейин сувни чиқариб юборади. Буни уч марта такрорлайди.
3. Ўнг қўлига сув олиб бурнига олиб боради ва сувни бурнига тортади кейин чап қўли билан бурнини қоқиб юборади. Буни ҳам уч марта такрорлайди.
4. Юзини ювади. Юзини ювишда пешонаси, жағ ости ва икки қулоқ юмшоқларигача ювади. Буни ҳам уч марта такрорлайди. Соқоли бўлса қўлини хўллаб паст томондан худди жағини ушлаётганга ўхшатиб бармоқларини ёзиб соқол ораларига юргизиб кўяди.
5. Ўнг қўлидан бошлаб қўлини тирсак (чиғанок)лари билан қўшиб ювади. Буни ҳам уч марта такрорлайди. Кейин чап қўлини ҳам шундай



ювади.

6. Бошга масҳ тортиш. Бунда қўлларига сув олиб тўкиб юборади ва икки кафти билан бошининг устига масҳ тортади. Масҳни пешонасидан бошлаб то бошнинг орқасидан сочининг охиригача суртаб боради ва шундай қайтариб пешонасига келади. Яна қўлларини хўллаб қулоқларининг ичи ва ташини суради.

7. Икки оёқни ювиш. Ўнг оёқдан бошлаб бармоқ ораларини ишқалаб тўпиғигача ювади. Буни ҳам уч марта такрорлайди. Сўнгра чап оёқни ҳам шундай ювади. Ғул қилаётганда оёқ ювишни охирига қолдириб турса ҳам бўлади. Яъни бошга масҳ тортгандан кейин бир қатор бошидан бошлаб бутун танасига бир бор сув қуйиб чиқади. Сув баданга яхши етиши учун бир бор ишқалаб юборса яхши бўлади. Совунлаб, шампунлаб уч-тўрт бор бошидан сув қуйиб ювинса ҳам бўлади. Охирида оёғини тўпикларигача ювади. Шу билан ғул тўла бўлади.

Yangi namoz boshlamoqchi katta odam g'usl qilgandan keyin, namozni bo'shashdan avval bir bor bundayonini yangiladi. Bunging uchun «Ashauatu alla'- ilaha ilallohu va ashwatu anna Muxammadan rasululloh» deydi.